

ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛИШINI ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Хамидулло Фазлиддинович Паттидинов

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси магистранти

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада давлат харидлар тизимини такомиллаштириш соҳасида амалга оширилаётган туб ислохотлар, ушбу тизимнинг давлат бюджети маблағларидан мақсадли ва оқилона фойдаланишдаги ўрни, шунингдек, мамлакатимизда давлат харидлари тизимини янада самарали ташкил этиш бўйича илмий хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: давлат харидлари, махсус ахборот портали, харид қилиш тартиб-таомили, бюджет, давлат бюджети.

WAYS TO IMPROVE THE ORGANIZATION OF PUBLIC PROCUREMENT

Khamidullo Fazliddinovich Pattidinov

Master of the Banking and Finance Academy of the Republic of Uzbekistan

ABSTRACT

This article develops scientific conclusions and recommendations for radical reforms in the field of public procurement, the role of this system in the targeted and rational use of state budget funds, as well as more effective organization of public procurement in our country.

Keywords: public procurement, special information portal, procurement procedures, budget, state budget.

КИРИШ

Давлат бюджети давлатнинг марказлаштирилган пул маблағлари бўлиб, унда даромад манбалари ва улардан тушадиган тушумлар, шунингдек харажат ҳажми ва йўналиши ўз аксини топади. Давлат харажатларининг ажралмас таркибий қисми сифатида давлат харидлари муҳим аҳамиятга эга ҳамда у давлатнинг ўз вазифа ва функцияларини амалга оширишда асосий воситалардан бири ҳисобланади.

Давлат сектори ўзига юклатилган вазифа ва функцияларни амалга ошириш, иқтисодий ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини таъминлаш ва турмуш даражасини яхшилаш ҳамда шу каби бошқа кўплаб йўналишлардаги устувор мақсадларга эришишни таъминлаш учун товар, иш ва хизматлар билан таъминлаб турилиши зарур. Бунда албатта давлат харидларига эҳтиёж сезилади.

Давлат харидлари – бюджет тизими бюджетларининг маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган товарлар, иш ва хизматлар харидларидир. Бошқа сўз билан айтганда, **давлат харидлари** - товар (иш, хизмат)ларни давлат буюртмачилари томонидан пулли асосда олиш ҳисобланади. Давлат харидларини моҳиятини тўлиқ тушунишда унинг вазифаларига эътибор бериш лозим.

Давлат харидларининг вазифалари давлат бошқаруви фаолияти учун зарур товар, хизмат ва ишлар билан ўз вақтида, керакли миқдорда ва турда, сифатда ҳамда нархда таъминлашдан ташқари рақобатни ривожлантириш учун давлат харидларига кўпроқ тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилаш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни халқаро андозаларга мос сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга ундашдан иборатдир. Бу вазифаларни амалга ошириш орқали мамлакат иқтисодий ривожига ҳамда ижтимоий соҳадаги ижобий ўзгаришларга таъсир кўрсатиш мумкин бўлади.

Давлат харидлари бозор элементи ҳисобланиб, унинг ёрдами билан иқтисодийнинг турли соҳаларида маблағларни тақсимлаш ва самарадорлигини ошириш содир бўлади. Бу эса давлат харидлари соҳасига эътиборли бўлишни ва уни ривожлантиришни талаб қилади, бунда албатта тизимли ёндашув зарур.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Республикамизда давлат харидлари тизимини шакллантириш ва такомиллаштириш мақсадида ислохотлар ўтказишга катта аҳамият берилмоқда.

Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат харидларини амалга оширишда харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш жараёнларини ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Ушбу қарор билан «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ Молия вазирлигига қуйидагиларни амалга ошириш топширилди:

- 2021 йил 1 апрелга қадар махсус ахборот порталида қурилиш соҳасида давлат харидларини электрон шаклда ўтказишни назарда тутувчи алоҳида саҳифа яратиш;
- 2021 йил 1 майга қадар Марказий ахборот порталини яратиш бўйича техник-лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигида экспертизадан ўтказиш;
- 2021 йил 1 сентябрга қадар давлат харидлари бўйича барча маълумотларни жамловчи ва ташқи ахборот тизимлар билан ўзаро электрон ҳамкорликни таъминловчи Давлат харидлари марказий ахборот портали дастурий мажмуасини яратиш ва уни кузатишни таъминлаш чораларини кўриш.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Марказий ахборот порталини ишлаб чиқиш ва уни кузатишни таъминлаш Молия вазирлигининг Ахборот-ҳисоблаш маркази томонидан амалга оширилади. Марказий ахборот порталини ишлаб чиқиш ва уни кузатишни таъминлаш халқаро молия институтларидан жалб қилинадиган маблағлар ҳамда Молия вазирлиги Ахборот-ҳисоблаш марказининг ўз маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

2021 йил 1 апрелдан бошлаб давлат харидлари ижрочисининг муассислари тўғрисидаги маълумотлар Молия вазирлиги ва ДСҚ ахборот тизимлари ўртасидаги ахборот алмашинувидан фойдаланган ҳолда давлат буюртмачилари билан тузилган шартномалар реестрига киритилади.

Ҳужжат билан Давлат харидлари марказий ахборот порталини юритиш бўйича функционал талаблар ҳамда Давлат харидлари соҳасида фойдаланиладиган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) миллий классификаторини юритиш қоидалари тасдиқланди.

Давлат харидларининг очик ва шаффоф механизмини яратиш, уни такомиллаштириш, савдоларнинг коррупциядан ҳоли тарзда ўтказилишини таъминлаш мақсадида республикада амалга оширилаётган ишлар ва кўрилаётган чора-тадбирларни узвий давом эттириш билан бирга мавжуд муаммоларни ўз вақтида бартараф этиш ҳам зарур.

Харидларни амалга ошириш билан боғлиқ айрим муаммо ва камчиликлар юзага келмоқда. Масалан, “Давлат харидлари тўғрисидаги қонун”нинг 44-моддасига асосан харид қилиш тартиб-таомили якунига кўра электрон дўконда товар (иш, хизмат) мавжуд эмаслиги сабабли шартнома тузилмаган бўлса,

давлат буюртмачиси мустақил равишда танланган етказиб берувчи билан шартнома тузиш орқали тўғридан-тўғри харидни амалга оширишга ҳақли ҳисобланади. Электрон дўконда барча турдаги товарлар мавжуд бўлмаганлиги оқибатида буюртмачилар ва маҳсулот етказиб берувчилар ўртасида рақобатга асосланмаган тарзда тузилаётган тўғридан-тўғри шартномалар сони ортмоқда.

Шу каби вазиятларни олдини олиш учун республикада давлат хариди тизимини такомиллаштириш ва кичик бизнес субъектларини давлат буюртмаларида иштирокини таъминлаш орқали, иқтисодий ривожланишга таъсир этиш масаласига муҳим йўналиш сифатида эътибор қаратилмоқда. Шу нуқтаи назардан, хорижий тажрибаларни ўрганиш ва давлат хариди тизимида бу тажрибалардан фойдаланиш, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектлари фаолиятини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

ХУЛОСА

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, бюджет маблағларининг самарали сарфланиши ҳар бир давлатнинг ҳар қандай даврдаги муҳим масалалардан биридир. Давлат хариди жараёнини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган қонун ва қарорлар ушбу масалаларнинг ечимини топишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга, давлат харидларини амалга оширишда товарлар (ишлар, хизматлар)ни етказиб берувчиларнинг масъулиятсизлиги юзасидан жавобгарлигига белгиланган жарима миқдорининг камлиги буюртмачиларга товар (иш, хизмат)ларнинг ўз вақтида ва белгиланган талабларда етказиб берилишида бир қатор муаммоларга сабаб бўлмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, ушбу соҳа

вакиллариининг давлат ва корпоратив харидлар жараёни жалб қилиш орқали давлат ташкилотларининг узлуксиз ва самарали фаолият кўрсатиши таъминланади.

Шулардан келиб чиққан ҳолда, бюджет ташкилотларининг давлат харидларини амалга оширишдаги молиявий муносабатларини самарали ташкил этиш юзасидан қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

- тўғридан-тўғри шартномалар қилиш ҳуқуқига эга бўлган товар (иш, хизмат)лар рўйхатини кенгайтириш;
- давлат хариди жараёнидаги иштирокчиларнинг масъулиятсизлиги юзасидан жавобгарлигини кучайтириш;

- давлат хариди жараёнига тадбиркорлик субъектлариния янада кенг жалб қилишда хориж амалиётини ўрганиб чиқиш.

Бунинг натижасида, буюртмачиларга зарур бўлган ишлар, хизматларнинг махсус ахборот порталида эълон қилиниши натижасида ушбу ишлар, хизматларга бўлган таклиф ошади, улар орасидаги рақобатнинг мавжудлиги сабабли, иш, хизматларнинг нархини тушишига олиб келади, натижада бюджет ташкилотларининг мазкур иш, хизматлар учун ажратилган пул маблағлари тежалади.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси;
2. Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни;
3. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат харидларини амалга оширишда харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш жараёнларини ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги 37-сон қарори 26.01.2021й.
4. Ўроқов У. Давлат харидлари тизими: кеча ва бугун. «Бозор, пул ва кредит» журнали, 8-сон, 2018 й.
5. Шешукова Т.Г. Система государственных закупок: понятие, влияние на экономику // Международный бухгалтерский учет. – 2018. – Т.
6. www.norma.uz